

Абдуллазизхон ибн Убайдуллахон
(1509-1550)
(1540-1550)

Бухоро хони бўлган шайбоний хукмдор (1540-1550). Убайдуллахоннинг ўгли. Дастлаб 1538-1539-йилларда Хоразм хокими бўлган. 1539-йилда отаси Убайдуллахон вафот этгач, шайбонийлар сулоласи вакиллари ўртасида ўзаро низолар авжига чикди. Бунинг оқибатида Абдуллахон II нинг киска хукмронлиги (1539-1540)дан сўнг мамлакатда кўшхокимиятчилик вужудга келиб, Абдулазизхон Бухоро хони (1540-1550), Кўчкунчихоннинг ўгли Абдуллатифхон эса Самарканд хони бўлган. Абдулазизхон отаси Убайдуллахон вафотидан кейин Бухоро тахтига ўтиради, аммо Самарканд хони уни бош хон сифатидида тан олмайди, натижада келишмовчиликлар келиб чиккан. Тошкент хокими Наврўз Ахмадхон ва Абдуллатифхонлар Абдулазизга қарши кўшин тортади. Абдулазизхон Балхга кочади, бироқ Жўйбор шайхлари Тошкент, Самаркандлик хокимлари хокимларни кўллаб-қувватлаганлари учун Бухорони ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлишди. У ўз хукмронлиги даврида давлат ва аҳоли манфаатларини кўзлаб катор ислохотлар ўтказган, айрим соликлар (таноб пули, тафовут, тавфири ва б.) ни бекор қилган. Унинг даврида тўс-тўполонлар кўп бўлганлигига қарамай мамлакат ободлиги ва юрт қуришга киришиб, олий иморатлар бино этди. Хусусан у Бухоро атрофини янги муҳофаа девори билан ўрашга киришган (уни Абдуллахон II қуриб битказган бўлиб, 20-а. бошларигача сақланган). У ўз отаси Убайдуллахонга бағишлаб шундай иморат қурдирдики уни тарифлашга тил ожиз. Бундан ташқари у Бухорода мадраса, Баҳоуддин Накшбанд қабристонида хонақоҳлар қурдирган. Абдулазизхоннинг улкан бир жутубхонаси бор эди, ўша пайтда бундай қутубхона бўлганми, йўқми айтиш қийин. Унинг қитобдори ҳам ўз замонасида тенги йўқ наққош ва хаттот эди. "Бу қутубхона" – тарихий манбаларда ёзилишича Хуросонга юришларидан бирида Абдулазизхон қўлида Хусайн Бойқаро қитобхонаси тушган. Масқур қутубхона асосида ташкил этилган.

Абдулазизхон илм ва шеърят ҳомийси, ўта такводор инсон бўлиб, тасаввуф олими Шайх Жалолнинг мудири эди. У беназир хуснихат соҳиб бўлган, "Азизий" тахаллуси билан газаллар битган.

Абдулазизхон 41 ёшида 1550-йил 16-майда вафот этади. Қабри отасининг ёнида Убайдуллахон сиппосида жойлашган.